

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД 5510300-2.20
2021 йил “4” июн

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
121-сонли буйруқ
2021 йил “4” июн



ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ВА БОЛАЛАР ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ МОДУЛ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	500000 -	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	510000 -	Соғлиқни сақлаш
Таълим йўналиши:	5510300 -	Тиббий профилактика иши

Тошкент – 2021

Тузувчилар:

- Туйчиев Л.Н.** - ТГА юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси мудири, т.ф.д., профессор
- Даминов Т.О.** - ТГА юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси профессори, т.ф.д., ЎзР ФА академиги
- Ахмедова М.Д.** - ТГА юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси профессори, т.ф.д.,
- Ташпулатова Ш.А.** ТГА юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти, т.ф.н.

Тақризчилар:

- Қосимов И.А.** - Тошкент педиатрия тиббиёт институти Эпидемиология, юқумли касалликлар, кафедраси мудири, профессор, т.ф.д.
- Каримова М.Т.** - ТГА юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти, т.ф.д.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилди.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академияси кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2021 йил “26” майдаги “12”-сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил “13” апрелдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил “4” июндаги 121-сонли буйруғининг 1-иловаси билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

1. Ўқув модулининг долзарблиги ва олий таълимдаги ўрни

Ушбу модул дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалаврият таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган, тиббиёт олий ўқув юртларининг тиббий-профилактика факультети талабаларига юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликлари модулидан таълим бериш учун мўлжалланган. Дастур юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликлари модули бўйича ўқитиладиган талабаларнинг билишлари керак бўлган назарий билимлар ва амалий кўникмалар ҳажмини белгилайди.

Дастур талабаларга юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликларининг асосий клиник симптомлари, уларнинг ташҳисот принциплари, қиёсий ташҳисот аспектлари, шошилиш ҳолатларда тез ёрдам кўрсатиш чоралари, шунингдек профилактика асослари (умумий ва махсус) билимларини эгаллаб олишга имконият яратади. Бу ўз навбатида организмнинг фаолиятини ва унинг атроф-муҳит билан мулоқотини, чуқурроқ тушуниб етишга асос яратади.

Мазкур модул ўқув режадаги биология, одам анатомияси, физиологияси, кимё, гистология, иммунология, микробиология ва паразитология, эпидемиология, ички касалликлар, клиник иммунология, фтизиатрия, клиник фармакология, жаррохлик касалликлари, болалар касалликлари, асаб касалликлари ва шошилиш тиббий ёрдам, нейрохирургия модулларидан ўзлаштирилган билимларга асосланади.

2. Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари

2.1. Модулнинг мақсади - юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликларини ўрганишда эпидемиологик ёндошув, касалликларнинг этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, асосий клиник симптомлари, ташҳисоти ва даволаш, шунингдек, профилактика асослари (умумий ва махсус)ни ўргатишга қаратилган.

2. Модулнинг вазифалари:

- республикамиз ҳудудида ва ташқаридан кириб келаётган юқумли касалликларни анамнез ва клиник лаборатор маълумотларга асосланиб эрта аниқлаш, беморларни тўғри даволаш ва профилактик чора-тадбирларни тўғри ўтказиш;
- юқумли ва ўта хавфли касалликлар ўчоғида беморлар билан мулоқотда бўлганлар орасида эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказиш асосларини ўқитиш;

- бактериологик, вирусологик ва серологик лабораторияларнинг иш жараёни билан танишиш ва текширувга биологик материал олиш усуллари билиш;
- соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишни ўқитиш.

2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Талаба:

- беморнинг шикоят, эпидемиологик анамнези ва касаллик анамнезини тўплаш;
- лаборатор ва инструментал текширувлар режасини тузиш;
- клиник ташхисни асослаш ва шакллантириш;
- ўчоқда бирламчи профилактик чора-тадбирларни ташкиллаштириш (специфик ва носпецифик) усуллари тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши**;
- юқумли касалликларни этиологияси ва эпидемиологияси;
- юқумли касалликларни патогенези ва патологик анатомияси;
- юқумли касалликларга хос клиник белгилар;
- юқумли касалликларни ҳозирги даврда клиник кечиш хусусиятлари;
- юқумли касалликларга эрта ташхис қўйиш, таққослаш, лаборатор ва инструментал ташхис қўйиш;
- юқумли касалликларни даволаш тамойиллари;
- жамоада, оилада ва касалхонада инфекция тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- сариқлик белгиси билан кечувчи касалликларда сийдикда ўт пигментини аниқлаш (Розин синамаси);
- бемордан гемокультурага қон олиш (ТПК мисолида);
- ўткир ичак касалликлари (сальмонеллез ва ичбуруғ)да бактериологик текшириш учун нажас олиш;
- кўкйўтал касаллигида бемордан бактериологик текшириш учун “йўтал пластинка” усулида намуна олиш;
- уй шароитида беморларда орал регидратация ўтказиш қоидаси;
- ҳайвонлар ва кемирувчилар тишлаганда жароҳатларни тозалаш
- безгак касаллигида гемопаразитни аниқлаш мақсадида йўғон томчи тайёрлаш;
- безгак касаллигида гемопаразитни аниқлаш мақсадида суртма тайёрлаш;
- энтеробиоз касаллигида гижжа тухумларини аниқлаш учун перианал соҳадан суртма тайёрлаш қоидалари **малакаларига (шу жумладан клиник амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.**

3. Асосий қисм

3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

1-мавзу. Мутахассисликка кириш. Энтерал вирусли гепатитлар (А, Е)

Юқумли касалликлар умумий патологияси тўғрисидаги билим. Юқумли хизматнинг тузилиши, юқумли касалликлар таснифи, юқумли жараён даврлари, этиологияси, эпидемиологияси, юқумли касалликларнинг асосий клиник синдромлари, юқумли касалликларнинг ташхисоти, даволаш ва профилактикасининг умумий принциплари. Юқумли касалхонаси тузилмаси ва беморларни касалхонага ётқизиш қоидалари. Юқумли касалхонанинг жойлашиши ва тартиби. Юқумли касаллик билан оғриган бемор касаллик тарихининг тизмаси. Энтерал вирусли гепатитлар (А, Е). Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, клиник таснифи, сариқ олди ва сариқлик даврининг клиник хусусиятлари, соғайиш даври, лаборатор диагностикаси, ВГА нинг оқибатлари, оғирлик кўрсаткичлари. Лаборатор ташхис усуллари. Даволаш асослари. Махсус ва махсус бўлмаган профилактик чора тадбирлар.

2-мавзу. Парентерал вирусли гепатитлар (В, С, D). Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, клиник таснифи, сариқ олди ва сариқлик даврининг клиник хусусиятлари, соғайиш даври, лаборатор диагностикаси, ВГВнинг клиник кечишидаги босқичлари, оғирлик кўрсаткичлари. Асоратлари – ўткир жигар энцефалопатияси. Лаборатор ташхис усуллари, даволаш тизими. Махсус ва махсус бўлмаган профилактик чора тадбирлар.

3-мавзу. Қорин тифи. А ва В паратифлар. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси. Ҳозирда қорин тифининг ўзига хос кечиш хусусиятлари.

4-мавзу. Сальмонеллез. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, таснифи, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактик чора-тадбирлар.

5-мавзу. Вабо. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, сувсизланиш даражалари, даволаш, профилактикаси.

6-мавзу. Шигеллез. Амёбиаз. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

7-мавзу. ОТИ. Ботулизм. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

8-мавзу. Ўзбекистонда кенг тарқалган паразитар касалликлар. Ўзбекистонда кенг тарқалган паразитар касалликлар (аскаридоз, гименолипидоз, энтеробиоз, тениоз, тениаринхоз, эхинококкоз, диффилоботриоз ва ҳ.к.). Тиббий муассасаси бирламчи босқичида даволаш асослари ва реабилитацияси.

9-мавзу. Бруцеллёз. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, таснифи, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

10-мавзу. Безгак. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

11-мавзу. Куйдирги. Ўлат. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси. Ўта хавфли касалликларга шубҳа туғилганида ўтказиладиган чора-тадбирлар.

12-мавзу. Арбовирус инфекцияси. Геморрагик иситмалар. Ўзбекистон геморрагик иситмаси, Буйрак синдроми билан кечувчи геморрагик иситмаларнинг этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси. Касаллик ўчоқларида ўтказиладиган чора-тадбирлар.

13-мавзу. Грипп. ЎРВИ. Коронавирус инфекцияси. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

14-мавзу. Менингококк инфекцияси. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

15-мавзу. ОИВ инфекцияси. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, оппортунистик инфекциялар, асоратлари, даволаш, ретровирусга қарши даво, профилактикаси, контактдан кейинги профилактика, поллиатив ёрдам.

16-мавзу. Қизамиқ, Қизилча, Скарлатина. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

17-мавзу. Тепки (Эпидемик паротит). Кўкўтал. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

18-мавзу. Дифтерия. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

3.2. Модулдаги амалий машғулотларнинг мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Модул бўйича машғулотлар 50% назарий (маъруза ва амалий машғулот) ва 50% амалий қисм (ўқув клиник амалиёт)дан иборат бўлган ҳолда ўтказилади. Амалий машғулотнинг назарий ва амалий қисми ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади.

3.2.1. Амалий машғулотларнинг мавзулар рўйхати:

1-мавзу. Юқули касалликларга кириш. Юқумли касалликлар умумий патологияси тўғрисидаги билим. Юқумли хизматнинг тузилиши, юқумли касалликлар таснифи, юқумли жараён даврлари, этиологияси, эпидемиологияси, юқумли касалликларнинг асосий клиник синдромлари, юқумли касалликларнинг ташхисоти, даволаш ва профилактикасининг умумий принциплари. Юқумли касалхонаси тузилмаси ва беморларни касалхонага ётқизиш қоидалари. Юқумли касалхонанинг жойлашиши ва тартиби. Юқумли касаллик билан оғриган бемор касаллик тарихининг тизмаси.

2-мавзу. Энтерал вирусли гепатитлар: ВГА, ВГЕ. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, клиник таснифи, сариқ олди ва сариқлик даврининг клиник хусусиятлари, соғайиш даври, лаборатор диагностикаси, ВГА нинг оқибатлари, оғирлик кўрсаткичлари. Асоратлари – ўткир жигар энцефалопатияси. Лаборатор ташхис усуллари. Даволаш асослари. Махсус ва махсус бўлмаган профилактик чора тадбирлар.

3-мавзу. Парентерал вирусли гепатитлар: ВГВ, ВГД, ВГС. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, клиник таснифи, сариқ олди ва сариқлик даврининг клиник хусусиятлари, соғайиш даври, лаборатор диагностикаси, Гепатитнинг клиник кечишидаги босқичлари, оғирлик кўрсаткичлари. Асоратлари – ўткир жигар энцефалопатияси. Лаборатор ташхис усуллари, даволаш тизими. Махсус ва махсус бўлмаган профилактик чора тадбирлар.

4-мавзу. Қорин тифи. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси. Соғайган беморларни касалхонадан чиқариш қоидалари. Ҳозирда қорин тифининг ўзига хос кечиш хусусиятлари. Ўткир ва сурункали ташувчанлик.

5-мавзу. Паратиф А ва В. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси. Соғайган беморларни касалхонадан чиқариш қоидалари.

6-мавзу. Вабо. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси. Сувсизланиш даражалари ва даволаш принциплари

7-мавзу. Сальмонеллез. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

8-мавзу. Шигеллез. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш профилактикаси.

9-мавзу. ОТИ. Ботулизм. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш профилактикаси. Ботулизмга қарши анатоксин юбориш принциплари.

10-мавзу. Ротавирус, Норволк, бошқа вирусли энтеритлар. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, касалхонадан чиқариш қоидалари, профилактикаси, реабилитацияси.

11-мавзу. Сохта туберкулез, ичак иерсиниози. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

12-мавзу. Ўзбекистонда кенг тарқалган паразитар касалликлар. Ўзбекистонда кенг тарқалган паразитар касалликлар (аскаридоз, гименолипидоз, энтеробиоз). Тиббий муассасаси бирламчи босқичида даволаш асослари ва реабилитацияси.

13-мавзу. Ўзбекистонда кенг тарқалган паразитар касалликлар. Ўзбекистонда кенг тарқалган паразитар касалликлар (тениоз, тениаринхоз, эхинококкоз, дифилоботриоз ва ҳ.к.). Тиббий муассасаси бирламчи босқичида даволаш асослари ва реабилитацияси.

14-мавзу. Протозой касалликлар. (Ичак лямблиози, ичак амебиози). Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси, реабилитацияси, УАШ тактикаси.

15-мавзу. Висцерал ва тери лейшманиози. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси, реабилитацияси.

16-мавзу. Бруцеллез. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

17-мавзу. Безгак. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

18-мавзу. Куйдирги. Ўлат. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш,

профилактикаси. Ўта хавfli касалликларга шубха туғилганида ўтказиладиган чора-тадбирлар.

19-мавзу. Жароҳат инфекциялари. Қоқшол. Қутуриш. Сарамас. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, касалхонадан чиқариш қоидалари, профилактикаси, реабилитацияси.

20-мавзу. Грипп. ЎРВИ. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

21-мавзу. Коронавирус инфекцияси. Этиологияси, эпидемиологияси, таснифи, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, ўчоқда ўтказиладиган чора-тадбирлар, профилактикаси

22-мавзу. Менингококк инфекцияси. Этиологияси, эпидемиологияси, таснифи, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

23-мавзу. ОИВ инфекцияси. Этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, оппортунистик инфекциялар, асоратлари, даволаш, ретровирусга қарши даво, профилактикаси, контактдан кейинги профилактика, поллиатив ёрдам.

24-мавзу. Арбовирус инфекцияси. Геморрагик иситмалар. Ўзбекистон геморрагик иситмаси этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси. Касаллик ўчоқларида ўтказиладиган чора-тадбирлар.

25-мавзу. Арбовирус инфекцияси. Геморрагик иситмалар. Буйрак синдроми билан кечувчи геморрагик иситмаларнинг этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси. Касаллик ўчоқларида ўтказиладиган чора-тадбирлар.

26- мавзу. Эпидемик тошмали тиф, Ку-иситмаси этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси. Касаллик манбаида ўтказиладиган чора-тадбирлар.

27- мавзу. Брилл касаллиги, қайталама тиф этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси. Касаллик манбаида ўтказиладиган чора-тадбирлар.

28- мавзу. Қизамиқ, Қизилча, Скарлатина. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

29- мавзу. Тепки (Эпидемик паротит). Кўкўтал. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

30- мавзу. Дифтерия. Этиологияси, эпидемиологияси, касаллик манбаи, юқиш механизмлари, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш, профилактикаси.

3.2.2. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш ва ҳ.к.

3.2.3. Модулни ўқитиш давомида эгалланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар:

Модул давомида талабалар юқумли касалликлар ва болалар юбумли касалликларига эпидемиологик ёндошиши, профилактика гуруҳларига ажратиш, профилактик эмлаш режасини тузиш, юбумли ва шта хавfli инфекция ўчоқларида ўтказиладиган тадбирларни ўтказа олиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Модул давомида эгалланадиган амалий кўникмалар рўйхати:

Ўқув (клиник) амалиётини ўтиш даврида талабалар қуйидаги амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

- сариклик белгиси билан кечувчи касалликларда сийдикда ўт пигментини аниқлаш (Розин синамаси);
- бемордан гемокультурага қон олиш (ТПК мисолида);
- ўткир ичак касалликлари (сальмонеллез ва ичбуруғ)да бактериологик текшириш учун нажас олиш;
- кўкйўтал касаллигида бемордан бактериологик текшириш учун “йўтал пластинка” усулида намуна олиш;
- уй шароитида беморларда орал регидратация ўтказиш қоидаси;
- ҳайвонлар ва кемирувчилар тишлаганда жароҳатларни тозалаш
- безгак касаллигида гемопаразитни аниқлаш мақсадида йўғон томчи тайёрлаш;
- безгак касаллигида гемопаразитни аниқлаш мақсадида суртма тайёрлаш;

- энтеробиоз касаллигида гижжа тухумларини аниқлаш учун перианал соҳадан суртма тайёрлаш қоидалари

Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:

УК 1¹. Абстракт фикр юритиш, ходисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;

УК 2. Дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий билимларнинг асосларидан фойдаланиш қобилияти;

УК 3. Ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш қобилияти, қабул қилинган қарорлар учун ижтимоий ва ахлоқий жавобгарликни олишга тайёрлик;

УК 4. Ўз-ўзини ривожлантиришга, англашга, ўқишга, ижодий салоҳиятдан фойдаланишга тайкомпеёрлик;

УК 5. Фавқулоддаги вазиятларда биринчи тиббий ёрдам техникасини, химоя усулларини қўллашга тайёрлик;

УК 6. Фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам техникасини, химоя усулларини қўллашга тайёрлик;

УКК 1². Касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот, библиографик манбалар, биотиббӣёт терминологияси, ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишга тайёрлик;

УКК 2. Професионал фаолиятдаги муаммоларни ҳал қилиш учун оғзаки ва ёзма равишда рус ва хорижий тилларда мулоқот қилишга тайёрлик;

УКК 3. Тиббий хужжатларни юритишга тайёргарлик;

УКК 4. Касбий муаммоларни ҳал қилишда дори воситаларини ва уларнинг комбинацияларини тиббий мақсадларда ишлатишга тайёрлик;

УКК 5. Беморларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ва дастлабки тиббий санитар ёрдам кўрсатишни таъминлашга тайёрлик;

УКК 6. Тиббий ёрдам кўрсатишда кўзда тутилган тиббий асбоблардан фойдаланишга тайёрлик.

Модул давомида ўқув (клиник) амалиётни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Талабаларнинг “Юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликлари” модули бўйича клиник амалиёти таълим жараёнининг 50%ини ташкил қилади ва амалий машғулотлар ЎЗР ССВ қарашли РИЭМЮПКИАМ клиникаси ва поликлиникасида, ТТА 3-клиникасида ўтказилади.

¹ УК- умумий компетенция

² УКК – умумий касбий компетенция

Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – машғулотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқган ҳолда ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли асбоб-анжомлар ишлаш механизми, ишлатиш қоидалари билан талабар таништирилади.

Биринчи босқични амалга ошириш учун кафедрада барча асбоб анжомлар мавжуд ва ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

2. Иккинчи босқич – амалий кўникмани намоиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни қадамма қадам алгоритми педагог томонидан ва видеофильмлар орқали намоиш этилади, алгоритм асосида босқичма босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилади. Талаба амалий кўникмани мустакил, бироқ педагог назорати остида муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенларда, кўп марта машқ қилиб ўрганадилар. Бошида барча босқичларини алоҳида, кейинчалик умумлаштирган ҳолда тўлиқ ва тўғри бажара олгандан сўнг беморда қўллашга руҳсат берилади (имитацион тренинг).

Иккинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар қадамма қадам алгоритми ва видеофильми, ўқув-услубий қўлланмаси, бажариш схемаси ёки техникаси ва ҳ.к., баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенлар, имитаторлар, асбоб анжомлар бўлиши лозим ва керакли шарт шароитлар (максимал даражада иш шароитига яқин моделлаштирилган) яратилиши лозим. Бу босқичда педагог назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғирлайди. Бу жараёнда талаба ҳаракатлари видеотасвирга олиниб ўзига намоиш этилиши, танқидий муҳокама қилиниши мумкин. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладиги, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма афтоматизм даражасигача етказилиши мақсадга мувофиқ.

3. Учинчи босқич - ўрганилган билим ва амалий кўникмани беморда қўллаш. Бу босқичда талаба ўзлаштирилган билим ва амалий кўникмани турли хил клиник ҳолатларда (шу жумладан шошилиш ҳолатларда) қўллашга, олинган натижаларни таҳлил қилишга ва шу маълумотлар асосида ҳаракат тактикасини белгилашга педагог назоратида ўргатилади.

Учинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, вазиятли масалалар ва тестлар тўплами, кейслар, клиник протоколлар, диагностика ва даволаш стандартлари, ўргатувчи касаллик тарихлари ва амбулатор карталар ва х.қ. ишлатилиши лозим. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар нафақат эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирилганини баҳолашда балки командада ишлашда иштирок этадилар.

4. Тўртинчи босқич – ҳулоса. Бу босқичда педагог талаба томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани беморларда, турли хил вазиятларда, фаолият жараёнида тўғри ва тўлиқ қўллай олишига ишонч ҳосил қилиши керак ва шунда амалий кўникма ўзлаштирилди деб ҳисобланади.

Тўртинчи босқични амалга ошириш учун талаба бемор билан мустақил ишлаши педагог томонидан назорат қилинади, тиббий ҳужжатларни, касаллик тарихини ёзиб ҳимоя қилганда баҳоланади.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирилганини тасдиқлайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади ва педагогга қайта топширади. Талаба барча амалий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда модулни ўзлаштирган ҳисобланади.

4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати:

1. Ўткир вирусли гепатитли беморларга касаллик тарихини ёзиш
2. Эмлаш календар режаси. Кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.
3. Эмлашда кузатиладиган асоратлар. Уларни олдини олиш чора-тадбирлари.
4. Боррелиоз. Этиология, эпидемиология, патогенез, клиника, лаборатор диагностикаси, даволаш ва профилактик чора-тадбирлар.
5. Балантадиаз. Этиология, эпидемиология, клиникаси, диагностика, даволаш.
6. Кампилобактериоз. Этиология, эпидемиология, клиникаси, диагностика, даволаш.
7. Стрептококкли инфекция. Этиология, эпидемиология, клиникаси, диагностика, даволаш.
8. Оддий герпес инфекцияси. Этиология, эпидемиология, клиникаси, диагностика, даволаш.
9. Листерия. Этиология, эпидемиология, патогенез, клиника, лаборатор диагностикаси, даволаш ва профилактик чора-тадбирлар.

10. Цитомегаловирус инфекцияси. Этиология, эпидемиологияси, клиникаси, диагностика ва даволаш. Профилактикаси.
11. Урогенитал инфекциялар. Этиология, эпидемиология, патогенез, клиника, лаборатор диагностикаси, даволаш ва профилактик чора-тадбирлар.
12. Туляремия. Этиология, эпидемиология, клиникаси, диагностика, даволаш.
13. Легионеллез. Этиология, эпидемиология, клиникаси, диагностика, даволаш.
14. Инсонларда кузатиладиган парранда гриппи. Этиология, эпидемиология, клиникаси, диагностика, даволаш.
15. 6 типдаги одам герпес вируси кўзгатган инфекция. Этиология, эпидемиология, клиникаси, диагностика, даволаш.
16. Пневмококк инфекцияси. Этиология, эпидемиология, клиникаси, диагностика, даволаш.
17. Денге иситмаси. Этиология, эпидемиология, клиникаси, диагностика, даволаш.
18. Кана энцефалити. Этиология, эпидемиология, клиникаси, диагностика, даволаш.
19. Ўткир токсоплазмоз. Этиология, эпидемиология, клиникаси, диагностика, даволаш.
20. Сурункали токсоплазмоз. Этиология, эпидемиология, клиникаси, диагностика, даволаш.
21. Чинчечак. Этиология, эпидемиология, клиникаси, диагностика, даволаш.

4.2. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг шакллари:

Юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликлари модули бўйича тавсия этилаётган мустақил ишлар модул тизимида турли хил шаклда амалга оширилади:

- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- модулнинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;
- илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш;
- вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;
- кейс (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш;
- график органайзерлаш ишлаб чиқиш ва тўлдириш;
- кроссвордлар тузиш ва ечиш;
- презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустақил иш жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.

4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликлари модули бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- аудитория машғулотларидан ташқари тренажёр, муляж ва симуляцион залларда/марказларда тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жихатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш;

–тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган рўйхат асосида навбатчи шифокор-педагог назоратида стандартлаштирилган пациентлар (беморлар) курациясини ўтказиш ва олиб бориш, дори билан даволаш таҳлилини ёзиш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;

- тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган амалий кўникмаларни навбатчи шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жихатдан бажариш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;

- беморларни курация қилишда даволовчи ёки навбатчи шифокор билан иштирок этиш;

- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, болаларни ёши ва соғлигига боғлиқ оқатлантириш тамойиллари ҳақида суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайерлаш;

- модулнинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;

- вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;

- CASE (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш.

- моделлар яшаш, кроссвордлар тузиш, органайзерлар тузиш ва ҳ.к.

Юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликлари модули бўйича курс иши режада кўзда тутилмаган.

Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари

Юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликлари модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН);
- оралик назорат(ОН);
- якуний назорат (ЯН)

Модулга ажратилган 8,0 кредитни талаба ЖН давомида йиғади.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликлари модули бўйича ЖН оғзаки, ўргатувчи-назорат тестлари, тарқатма материаллари билан ишлаш, вазиятли масалалар, муляж ва фантомларда ишлаш маълумотларини ўрганиш, амалий кўникмаларни қадамма-қадам бажариш, беморлар билан ишлаш, клиник аудит ёзиш, уйга берилган вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив усулларида иштирокининг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси, компетенцияларни эгаллаш (яъни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) ҳисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Жорий назоратда талабалар билими таълим моделига асосланган ҳолда қуйидаги босқичларда амалга оширилади: назарий ва амалий қисм (50:50).

Жорий назорат учун ажратилган 8,0 кредит семестрлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

7-семестр – 4,0 кредит

Жорий назорат – 4,0 кредит;

Оралик назорат – 0 (ўтилиши мажбурий)

8-семестр – 4,0 кредит

Жорий назорат – 4,0 кредит;

Якуний назорат – 0 (ўтилиши мажбурий)

Талаба 7 семестрда белгиланган кредитларни тўплагандан кейин семестр якунида синовли вазифани топширади ва ўтиш (саралаш) балидан ўтсагина 8 семестрга ўтади. Талаба белгиланган кредитларни тўплагандан кейин семестр якунида ЯН (Синов)га киритилади.

Жорий назоратда саралаш (ўтиш) баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий назорат учун ЯН (синов)гача бўлган муддат берилади.

Модул бўйича талаба рейтингига қуйидагича аниқланади:

Балл	ECTS баҳо	ECTS нинг таърифи		Баҳо	Таърифи
86-100	А	"аъло" – аъло натижа, минимал ҳатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>муаммоли саволларни аниқлаши, ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллаш олиши;</p> <p>ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;</p> <p>амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши;</p> <p>модул дастурида тавсия этилган</p>	5	аъло

			асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши; модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллаш олиши; назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
81-85	В	"жуда яхши" – ўртадан юқори натижа, айрим ҳатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши; стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши; амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши; амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намоён қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллаш олиши, бажарилган иш	4	яхши

			<p>натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
71-80	С	"яхши" – ўртача натижа, сезиларли ҳатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу</p>		

			<p>билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;</p>		
60-70	D	"қоникарли" – султ натижа, қўпол камчиликлар билан	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши;</p> <p>терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p> <p>амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил аммо ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши;</p> <p>компетенцияларни мустақил, аммо ҳатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;</p> <p>педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>ўқиладиган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши,</p>	3	Қони қарли

			<p>уларга баҳо бера олиши; назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
55-59	Е	"ўрта" – минимал натижага тенг	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қониқарли билим ҳажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим қўпол хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда ва хатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил эмас ва ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши; компетенцияларни мустақил эмас ва ҳатоликлар билан эгаллаши; модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; ўқиладиган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши; назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
31-54	FX	"қониқарсиз" – минимал даражадаги билимларни	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; илмий терминларни ишлата олмаса</p>	2	Қони қарсиз

		олиш учун қўшимча мустикал ўзлаштириши зарур	ёки жавоб беришда жиддий мантикий хатоларга йўл қўйса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		
0-30	F	"мутлоқ кониқарсиз" – тўлиқ қайта ўзлаштириши лозим	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантикий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ (ОН)

ОНда талаба томонидан модулнинг бир неча мавзуларни ўз ичига олган бўлими ёки қисми бўйича билим ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш даражаси баҳоланади.

Юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликлари модули бўйича бўйича ОН семестрда бир марта ўтказилади. ОНга ЖН бўйича тегишли кредитларни тўплаган талабалар киритилади. ОН кафедра мажлисининг қарори билан оғзаки ёки ёзма, тест, (OSKE) шаклларида ўтказилади. ОН да саралаш бали (55 балл) йиға олмаган талаба Синов (ЯН) га қўйилмайди.

Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилинади ва оралиқ назорат қайта ўтказилади.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ

ЖНга ажратилган кредитларни тўлиқ тўплаган талаба ЯНга киритилади. ЯНда талабанинг билим, кўникма ва малакалари модулнинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. ЯН модул бўйича ўқув машғулотлари тугаганидан сўнг 2-этапда олинади, 1-этап - кафедрада OSCE шаклида, 2-этап тест марказида ўтказилади. ЯНда 55 саралаш баллини йиға олмаган талаба ЯНдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирмаган деб ҳисобланади, ЖНда тўлиқ кредитни йиғган бўлса ҳам).

Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида ЯНни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда ЯН натижалари бекор қилинади ва ЯН қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли ЯНдан ўтолмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида ЯНдан ўтолмаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

5. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

5.1. Асосий адабиётлар:

1. Ахмедова М.Д. Юқумли касалликлар. Дарслик. -Тошкент .“Абу Али ибн Сино” тиббиёт нашриёти. 2012 й.

2. Облокулов А.Р., Авдеева М.Г., Блажня Л.П., Облокулов А.А. Инфекционные болезни. Учебник. 2020 г.
2. Инфекционные болезни с детскими инфекциями. Учебник в 2-х ч./Под редакцией академика АН РУз Даминов Т.А. – Ташкент. «Тиб-китоб» 2011 г.
3. Зокирходжаев А.Х. Руководство по инфекционным болезням для студентов медицинских вузов. Учебник. -Ташкент. “Абу Али ибн Сино” мед.типогр. 2010г.

5.2 Кўшимча адабиётлар:

4. Под редакций Е. П. Шувалова, Е. С. Белозеров, Т.В. Беллева, Е.И. Змушко. Инфекционные болезни. Учебник для Вузов. –«Спецлит», 2016 г.
5. Под редакций Е. П. Шувалова, Е. С. Белозеров, Т.В. Беллева, Е.И. Змушко. Инфекционные болезни: Учебник. - СПб: «Спецлит», 2015 г.
6. Н. Д. Ющук, Ю.В. Мартынов, Е.В. Куттевич, Ю.Ю. Гришина. Эпидемиология инфекционных болезней. Учебник. – Москва. ГЭОТАР - Медиа, 2014 г.
7. Под редакцией проф. В.И. Лучшева.С.Н Жарова, В. В.Никифорова Атлас инфекционных болезней: Учебник/.- М.: «ГЭОТАР - Медиа», 2009 г.
8. В.И.Покровский. Инфекционные болезни и Эпидемиология. Учебник. - Москва. ГЭОТАР-Медиа, 2008 г.
9. Raхmatov O. B. “Bolalar yuqumli kasalliklari”. Darslik. Toshkent “Cho’lpon” tibbiyot nashriyoti, 2008 y.
10. Покровский В.И.и др «Инфекционные болезни и Эпидемиология». Учебник. Москва «Медицина», 2003 г.
11. Ющук Н.Д., Венгеров Ю.Я. «Инфекционные болезни». Учебник. Москва «Медицина», 2003 г.
12. Самарина В.Н., Сорокина О.А. «Детские инфекционные болезни». Учебник. С.Петербург «Невский Диалет», 2001 г.

Интернет сайтлари:

www.minzdrav.uz

www.tma.uz

www.bsmi.uz

www.Ziyonet

www.medlincs.ru

www.infeksya.uz

www.medbook.ru

**“Юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликлари” модулидан
КАСАЛЛИКЛАРИ” МОДУЛИДАН
СИЛЛАБУС**

“Юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликлари” модулидан силлабус			
Модулнинг тўлиқ номи	“Юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликлари”		
Модул коди: 2.20	Кредит ҳажми: умумий - 8,0 кредит Шундан: <i>7-семестр – 4,0 кредит</i> Жорий назорат – 4,0 кредит; Оралик назорат – 0 (ўтилиши мажбурий) <i>8-семестр – 4,0 кредит</i> Жорий назорат – 4,0 кредит; Якуний назорат – 0 (ўтилиши мажбурий)	Модул ўтилиш даври: 7- 8 семестр	ECTS value:
Таълим йўналиши	5510300 -Тиббий профилактика иши	4 босқич бакалаврлари	
Модулнинг давомийлиги	30 кун		
Ўқув соатлари ҳажми:	Жами соат:	288	
	Шунингдек:		
	Маъруза	36	
	амалий машғулот	144	
	клиник ўқув амалиёти		
	мустақил таълим	108	
Ўқув модулининг статуси	Умумқасбий модулар блоки		
ОТМ номи, манзили	Тошкент тиббиёт академияси, Фаробий 2 уй		
Кафедра номи	Юқумли ва болалар юқумли касалликлари		
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот	Маърузачиларнинг Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail: E-mail:	
Машғулот вақти ва жойи			
Модулнинг мазмуни	Дастур талабаларга юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликларининг асосий клиник симптомлари, уларнинг ташҳисот принциплари, қиёсий ташҳисот аспектилари, шошилиш ҳолатларида тез ёрдам кўрсатиш чоралари, шунингдек профилактика асослари (умумий ва махсус) билимларини эгаллаб олишга имконият яратди.		

	Бу ўз навбатида организмнинг фаолиятини ва унинг атроф-муҳит билан мулоқотини, чуқурроқ тушуниб етишга асос яратади.
Пререквизитлар	биология, одам анатомияси, физиологияси, кимё, гистология
Постреквизитлар	Барча умумқасбий модуллари учун назарий замин бўлиб хизмат қилади.
Модулнинг мақсади	юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликларини ўрганишда эпидемиологик ёндошув, касалликларнинг этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, асосий клиник симптомлари, ташхисоти ва даволаш, шунингдек, профилактика асослари (умумий ва махсус)ни ўргатишга қаратилган.
Модулнинг вазибалари	<ul style="list-style-type: none"> – республикамиз ҳудудида ва ташқаридан кириб келаётган юқумли касалликларни анамнез ва клиник лаборатор маълумотларга асосланиб эрта аниқлаш, беморларни тўғри даволаш ва профилактик чора-тадбирларни тўғри ўтказиш; – юқумли ва ўта хавфли касалликлар ўчоғида беморлар билан мулоқотда бўлганлар орасида эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказиш асосларини ўқитиш; – бактериологик, вирусологик ва серологик лабораторияларнинг иш жараёни билан танишиш ва текширувга биологик материал олиш усулларини билиш; – соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишни ўқитиш.
Модул бўйича талабалар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар	<p>Модул бўйича талабаларнинг билим кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади.</p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> – беморнинг шикоят, эпидемиологик анамнези ва касаллик анамнезини тўплаш; – лаборатор ва инструментал текширувлар режасини тузиш; – клиник ташхисни асослаш ва шакллантириш; – ўчоқда бирламчи профилактик чора-тадбирларни ташкиллаштириш (специфик ва носпецифик) усуллари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши; – юқумли касалликларни этиологияси ва эпидемиологияси; – юқумли касалликларни патогенези ва патологик анатомияси; – юқумли касалликларга хос клиник белгилар; – юқумли касалликларни ҳозирги даврда клиник кечиш хусусиятлари; – юқумли касалликларга эрта ташхис қўйиш, таққослаш, лаборатор ва инструментал ташхис қўйиш; – юқумли касалликларни даволаш тамойиллари; – жамоада, оилада ва касалхонада инфекция тарқалишининг олдини олиш чора тадбирларини билиши ва улардан фойдалана олиши; – сариқлик белгиси билан кечувчи касалликларда сийдикда ўт

	<p>пигментини аниқлаш (Розин синамаси);</p> <ul style="list-style-type: none"> – бемордан гемокультурага қон олиш (ТПК мисолида); – ўткир ичак касалликлари (сальмонеллез ва ичбуруғ)да бактериологик текшириш учун нажас олиш; – кўкйўтал касаллигида бемордан бактериологик текшириш учун “йўтал пластинка” усулида намуна олиш; – уй шароитида беморларда орал регидратация ўтказиш қоидаси; – ҳайвонлар ва кемирувчилар тишлаганда жароҳатларни тозалаш – безгак касаллигида гемопаразитни аниқлаш мақсадида йўғон томчи тайёрлаш; – безгак касаллигида гемопаразитни аниқлаш мақсадида суртма тайёрлаш; – энтеробиоз касаллигида гижжа тухумларини аниқлаш учун перианал соҳадан суртма тайёрлаш қоидалари <i>малакаларига (шу жумладан клиник амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.</i>
Таълим бериш усуллари	Маъруза, амалий машғулотлар
Таъминот	видеофильмлар, мультимедияли ва ўқитувчи компьютер дастурлардан, ўқитиш методикасидаги янги технологиялардан, мавзулар бўйича назарий билимларни сўрашдан фойдаланилади; бакалаврларнинг мустақил иши, индивидуал ва гуруҳли презентациялар, уйга берилган вазифаларни тайёрлаш, рефератлар ёзиш, тестлар, вазиятли масалалар ва бошқалар.

Ўқитиш натижалари:

Модулни яқунлаганда талаба билади:

1. Юқумли касалликларни этиологияси ва эпидемиологияси;
2. Юқумли касалликларни патогенези ва патологик анатомияси;
3. Юқумли касалликларга хос клиник белгилар;
4. Юқумли касалликларни ҳозирги даврда клиник кечиш хусусиятлари;
5. Юқумли касалликларга эрта ташҳис қўйиш, таққослаш, лаборатор ва инструментал ташҳис қўйиш;
6. Юқумли касалликларни даволаш тамойиллари;
7. Жамоада, оилада ва касалхонада инфекция тарқалишининг олдини олиш чора тадбирлари.

Модулни яқунлаганда талаба бажара олади:

1. Сариклик белгиси билан кечувчи касалликларда сийдикда ўт пигментини аниқлаш (Розин синамаси);
2. Бемордан гемокультурага қон олиш (ТПК мисолида);
3. Ўткир ичак касалликлари (сальмонеллез ва ичбуруғ)да бактериологик текшириш учун нажас олиш;

4. Кўкйўтал касаллигида бемордан бактериологик текшириш учун “йўтал пластинка” усулида намуна олиш;
5. Уй шароитида беморларда орал регидратация ўтказиш қоидаси;
6. Ҳайвонлар ва кемирувчилар тишлаганда жароҳатларни тозалаш
7. Безгак касаллигида гемопаразитни аниқлаш мақсадида йўғон томчи тайёрлаш;
8. Безгак касаллигида гемопаразитни аниқлаш мақсадида суртма тайёрлаш;
9. Энтеробиоз касаллигида гижжа тухумларини аниқлаш учун перианал соҳадан суртма тайёрлаш қоидалари.